

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 1 март, Чоршанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 41 (10.598) Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ
Янгиликлар, воқеалар

Наврўзи олам яқин

Кичика сатрларда

- **БУГУНДАН** шаҳримизда еттинчи халқаро қурилиш кўргазмаси иш бошлади. Ушбу тадбир тўртинчи мартга давом этади.
- **КЕЧАДАН** бошлаб Тошкент Давлат техника университетида «Академик Яхё Фуломов ўқишлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман иш бошлади.
- **БУГҮН** Бектемир туманидаги 30-мика мактабида туман марказлашган кутубхоналар тизими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида уюштирилган «Қонунлар — халқ фаровонлиги йўлида» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда туман кутубхоначилари, спорт соҳаси мутахассислари иштирок этишди.
- **БУГҮН** Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратоп» маҳалласида фаол аёллар иштирокида маҳалла хотин-қизлар комиссияси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.
- **БУГҮН** Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Бадий академиянинг Замонавий санъат марказида ижодкор, хунарманд қизлар кўли билан яратилган миллий хунармандчилик буюмлари кўргазмаси бўлиб ўтди.
- **БУГҮН** Сергели туманидаги «Қумарик» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Миллий истиқлол гоёяси — буюк келажак элчиси» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.
- **БУГҮНДАН** Хўжаев номидаги дизайн коллежида Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ҳамкорликларида ислом оламининг йирик намоёндаларидан бири Хожа Абдуллоҳ Ахрорнинг хотирасига бағишланган «Вақт ранглари» мавзусидаги кўргазма семинари бошланди. Рассом Жўра Асран асарлари асосида ташкил этилган ушбу тадбир 10 мартга давом этади.
- **КЕЧА** Хамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида «Гийвандлик — аср вабоси» мавзусида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.
- **КЕЧА** Болалар ижодиёти уйида «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ташкилотимиз — кеча ва бугун!» лойиҳаси доирасида ўтказилган семинарда «Камолот» ётақчилари ва сардорлари иштирок этишди.



БАҲОР НАФАСИДАН ОЛАМ ЁШАРГАЙ

БУГҮН ОНА ДИЁРИМИЗГА ҚУТЛУГ ҚАДАМЛАР ИЛА, ҚАЛБЛАРИМИЗНИ СОҒИНЧГА ТЎЛДИРГАН ГЎЗАЛ БАҲОР КИРИБ КЕЛДИ.

БАҲОР ФАСЛИ КЎНГЛИМИЗГА, РУҲИМИЗГА ЯҚИНЛИГИ БИЛАН, ҚОЛАВЕРСА БЕҚИЁС ФАЙЗУ ТАРОВАТИ, ЧИРОЙИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Сезяпсизми, чечакларнинг шитирлаб барг ёзиши, новдаларнинг куртак отиши, ҳар бир гиёҳ, майсанинг мудроқ уйқудан уйғониб заминдан бош кўтариши, зангор осмонни тўлдириб учаётган қушларнинг бахтиёр чугури кўнглимиздаги гўборларни тозалаб, руҳимизга қувват бермоқда. Сиз кўклар чоғида боғларни кезганмисиз? Куртакларни ёриб чиқаятган нафис гўнчалар, новдаларга маржон каби тизилган ним пушти ўрик гулларини, яшилликка бурканаётган қир-адирлару боғларда баҳор элчиси — бойчечак ердан бодраб чиққанини кўриб завқланганмисиз?..

Лолақизғалдоқлар ҳам гунча бўлиб қуёшга томон талпинишаётди. Қиш уйқусидан тезроқ уйғониб она табиатни ёш келинчак мисол гўзалликка буркаб яшнатиб, одамларга завқ, кувонч бахш этиш иштиёқида. Аста-секин она табиат турфа хил рангларда товланиб, ажиб тароват касб этади. Бу мўъжизавий ранглар кўзларимизни яшнатиб, дилларимизга бир олам хуш кайфият бахш этади. Баҳорнинг ёқимли шабадаси билан димоғимизга гулларнинг хушбўйи урилади. Бободехқонлар ларида баҳорги экин-ти-

кин ишларини бошлаб, ерга барака уруғини қадашга киришганлар. Қиш фасли бу йил саҳийлик қилди. Қор мўл ёғди. Демак, юртимизда мўл-кўлчилик, тўкинлик, ҳосилга барака йили бўлади, албатта. Баҳорда оламининг жамики гўзалликлари одамнинг юрагига оқиб киради, кучига куч, ғайратига ғайрат, хайратига хайрат қўшади. Уйғониш, яратиш ва яшнатиш фасли бўлмиш баҳор ҳар йили ўз фусункорлигини ўзгача намоян этади.

Барчага гул улашиб кўклар, Унутмабди қуруқ шохни ҳам.

Бу — яшиллик тантанасидир, Бу — гўзаллик тантанасидир.

Баҳор кириб келиши билан халқимизнинг энг яхши удумларидан, азалий қадриятларимиз сирасига кирувчи хашарлар бошланди. «Хашар — элга ярашар» деган нақлга амал қилган ҳамюртларимиз ховливу кўчаларимиз, майдону хиёбонларимизни ободонлаштиришга бел боғлайдилар. Ҳадемай меҳр-мурувват, саховатга, эзгуликларга чорловчи барчамиз учун сеvimли Наврўз айёми бошланади. Зеро, Қуёш барчага баробар нур сочганидек, кўклар ҳам ҳамма-нинг пойига яшил поёндоз ёзади.

Қадамларинг қутлуғ бўлсин, Баҳорим! Қуёш бутун оламга, инсонлар қалбига меҳр, саховат, яшиллик нурларини сочавер. Токи бутун олам баҳор каби беғубор, покиза ниятларга тўлсин. Шоир айтганидек:


Кўёш нурун сочавер мўл-мўл, Баҳор кетма, бизнинг боғлардан, Юртимизда қолмасин дашт-чўл Чаман кулсин ҳатто тошлардан. Дилором ИКРОМОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий округларнинг қўшинларнинг моддий-техник таъминоти хизматларининг кўмондонлик ва раҳбар ходимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган талаблардан келиб чиқиб, давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари» мавзусида семинар ўтказилди.
- «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида ҳаракат имконияти чекланганлар учун 20 миллион сўмлик мурувват ёрдами топшириш маросими бўлиб ўтди. «Енграг» халқаро мурувват ташкилоти томонидан келтирилган 27 та ногиронлар аравачаси ва бошқа воситалар жамғарманинг Жиззах вилояти, Тошкент вилояти ва шаҳри филиаллари орқали муҳтож оилаларга етказилди.
- Хоразм вилоятида «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари ниҳоясига етди. Кўрик-танловда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар, касаначилик, хунармандчилик асосида тайёрланган маҳсулотлар юқори баҳоланди. Танлов ғолиблари энди вилоят босқичида беллашадилар.
- Россия Федерациясининг Новосибирск вилояти шифокорларидан бир гуруҳи Наманганда бўлиб, ўзбек ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашдилар. Тадбир сўнггида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш юзасидан шартнома имзоланди.
- Қумқўрғондаги хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси тумандаги иккинчи иқтисодлаштирилган мактаб-интернати ўқувчиларига ойига 100 минг сўмлик стипендия таъсис этиди.
- Наманган шаҳрининг Давлатобод даҳасида жойлашган мусиқа мактабида мактаб ўқувчилари ва мактабгача ёшдаги болалар учун «Наманган юлдузлари» рақс фестивали бўлиб ўтди. Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкил этилган ушбу рақс байрамида умумтаълим ва мусиқа мактаблари ўқувчилари, болалар боғчалари, Намангандаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг рақс гуруҳлари иштирок этиди.
- Навоийлик моҳир хунарманд, «Ташаббус-2004» республика кўрик-танлови ғолиби Ирина Кудрявцеванинг бетақдор кўғирчоқлари Исроилда бўлиб ўтган хайкалтарош рассомлар кўргазмасида намойиш этилди.
- Бешарик тумани аҳолиси ўзига хос қулайликка эга бўлди. Бу ерда Хитойнинг «Уавей технологис» компанияси билан ҳамкорликда 10 минг миқоздаги хизмат кўрсатадиган янги телефон тармоғи ишга туширилди. Янги алоқа тизимининг иш бошлаши билан эндиликда вилоятнинг истаган туман ва шаҳарларига тўғридан-тўғри уланиш имконияти пайдо бўлди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин расмий таширф билан Венгрияга келди. В.Путин мамлакат раҳбарияти билан асосан иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилади. Таширф давомида ўнга яқин ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.
- Латвия, Литва ва Эстония янги атом электр станциясини қуриш тўғрисида ўзаро битимга келишди. Мазкур иншоот Литва ҳудудида барпо этилади. Болтикбўйи мамлакатлари бош вазирларининг қўшма баёнотида таъкидланишича, ушбу лойиҳада учта давлат ҳам тенг иштирок этади.
- Европа Иттифоқи Фаластин мухторияти учун 120 миллион евро миқдорига маблағ ажратадиган бўлди. Бу ҳақда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар ва сиёсат бўлими бошлиғи Бенита Ферреро-Вальдман маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, ажратилган моддий ёрдам мухторият иқтисодий инкирозининг олдини олиши керак.
- Чеченистон Республикаси Бош вазири Сергей Абрамов истефого қилди. Республика Президенти Али Алхановнинг таъкидлашича, Абрамовнинг соғлиғи ёмонлашгани боис шундай қарорга келган.
- Европа Иттифоқи Сербия ҳукуматида ҳарбий жиноятда айбланаётган Ратко Младични Гаага трибуналига топшириш учун бир ой муҳлат берди. Мазкур талабнома Европа Иттифоқи ташқи ишлари вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтган йиғилишидан сўнг эълон қилинди.
- Япониянинг Nippon Sheet Giase Co., Ltd. компанияси Британиядаги Pilkington plc. ойнасозлик корхонаси акцияларининг 80 фоизини харид қилишга аҳд қилди. Nippon ҳар бир акция учун 2,91 доллардан, жами 3,08 миллиард доллар тўлайди. Мазкур битим туфайли бирлашган холдинг шу соҳа бўйича жаҳон бозори пешқадамига айланди.



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ЮРТДОШЛАР, МАҲАЛЛАДОШЛАР!

МАНА, ЎЛКАМИЗГА ГЎЗАЛ ВА ФУСУНКОР БАҲОР ФАСЛИ ҲАМ ТАШИРФ БУЮРДИ, ОНА ТАБИАТ УЙҒОНДИ.

Яқинлашиб келаётган миллий қадриятларимиз гултожи, яшариш ва яшнатиш айёми — «Наврўз» умумхалқ байрами олдидан хашарлар ўтказиш, шаҳримизни янада гўзаллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугун Тошкентимизнинг файзу таровати ўзгача, уни янада жозибали, гўзал диёрга айлантириш эса ўз қўлимизда.

Биз ўзимиз яшаётган маҳаллани, йўл ва кўчаларни, кўп қаватли уйлар йўлакларини тартибга келтирайлик, теварак атрофга гул ва дарахтлар экайлик.

Кўп қаватли ва яқка тартибдаги уйлар олдини жиҳозлаш ва байрамона тус бериш ҳар бир шаҳарлик учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Азизлар!

Тошкент шаҳрини гулларга буркайлик, ям-яшил хиёбонларни кўпайтирайлик, дарахтлар экиб боғу роғлар яратайлик, уни тоза ва озода сақлаш учун ҳаммамиз жон куйдирайлик!

Маҳалла гузарлари, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод қилайлик. Ариқ ва зовурларни тозалайлик.

Болалар ўйингоҳларини ва спорт майдончаларини тозалаш ва таъмирлаш ишларида фаол қатнашайлик.

Келинлар, катта-кичик мана шундай хайрли ишлардан четда қолмайлик!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ВА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ.

ОБУНА ЙИЛ ДАВОМИДА

Азиз оқишом-хон! Мана янги куч-ғайрат, эзгу орзу-умидлар билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига ҳам қадам қўйдик. Барча соҳалар қаторида «Оқшом» газеталари ҳам Янги йилдан янги руҳ, янги мазмун, янги шакл билан муштарийлар хонадонига кириб бормоқда. Тахририят аъзолари оқшомхонларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг мавзудаги мақолаларни газета саҳифаларида ёритиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Агарда газетамизга обуна бўлишга улгурмай қолсангиз, қуямангиз, ҳамшаҳарларимизга қўлайлик яратиш мақсадида йил давомида «Оқшом»га обуна бўлиш имконияти яратилган.

Сиз хоҳлаган вақтингизда шаҳримиздаги алоқа бўлимига бориб ўзингиз севиб муролаа қиладиган «Оқшом»га ҳеч қандай монеликсиз обуна бўлишингиз мумкин. Ишонтириб айтаманки, қизиқарли, мазмунли, сизга манзур бўладиган янги руҳи ва мақолаларнинг ҳали «таҳи» бузилгани йўқ, у сизларни кутмоқда. Бир сўз билан айтганда, обуна бўлишга шошилиң.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 2 март кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, қундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

МАЪЛУМКИ, ХАРИД ҚИЛИНГАН МАХСУЛОТ ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ТАЛАБ ВА ЭХТИЁЖЛАРИНИ ТЎЛИҚ ҚОНДИРИШИ КЕРАК. АГАР БУ ТАЛАБ БУЗИЛАДИГАН БЎЛСА, ХАРИДОР (ИСТЕЪМОЛЧИ) ВА СОТУВЧИ ҲАМДА...

Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида ШИКОЯТЛАР ҲАМДА ҚОЛМАЙДИ

Юнусобод тумани, Михаил Ан кўчаси, 8-уйда истиқомат қилувчи Равшан Расулов Навоий ярмаркасидаги «Импульс» савдо дўконидан 60.000 сўмлик видео-плеер харид қилган эди. Бироқ маҳсулотнинг сифат даражаси кўрсатилган мuddатга етмай яроқсиз ҳолда эканлиги сезилди.

Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 3-уй, 16-хонадонда яшовчи Сержан Сатимов Навоий ярмаркасидаги ХТ «YUNUSOV V.N.» номли савдо дўконидан кишда ва ёзда ишлаш имконига эга бўлган «ВЕКО» кондиционерини 720.000 сўмга харид қилади.

Шаҳримизнинг А.Қодиров кўчаси, Ц-13 даҳаси, 35-уй, 30-хонада истиқомат қилувчи Юлдузхон Қодирова «Чорсу» буюм бозоридagi кундалик савдо дўконидан 2 дона биллур идиш сотиб олган.

Юнусобод тумани, 7-даҳа, 18-уй, 24-хонадонда яшовчи Наталья Мицул «Юнусобод» дехқон бозоридagi кимёвий тозалаш корхонасида кишиларнинг кurtкасини топширади.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади

Семинарлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА БОШҚАРМА ҲАМДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ...

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби, Тошкент Молия институтининг етакчи мутахассислари ва шаҳримизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг қузатув кенгашининг аъзолари фаол иштирок этишди.

Мазкур семинар-йиғилишни кириш сўзи билан очган ва унга раислик қилган Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Даврон Дулунбоев, жумладан шундай деди:

Бозор ва харидор

Йодланган ош тузлари — саломатлик гарови

ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ НОРМАЛ ҲАЁТ КЕЧИРИШИДА КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗДА ЗАРУР МАХСУЛОТГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ОШ ТУЗИ ФАҚАТГИНА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТАОМИМИЗГА МАЗА КИРИТИБ ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ОРГАНИЗМ ТЎҚИМАЛАРИДАГИ СУВ МИҚДОРINI РОСТЛАЙДИ. ШУ БИЛАН БИРГА ОШ ТУЗИ МЕЪДА ШИРАСИДА КЕРАКЛИ КИСЛОТА БЎЛИШИНИНГ МАНБАИДИР.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш ўринлики, ҳозирги пайтда аҳоли ўртасида йод моддаси етишмаслиги оқибатида пайдо бўлаётган бўқоқ хасталигининг олдини олишда йодланган туз маҳсулотининг аҳамияти каттадир.

Утган йилдан бошлаб ўз маҳсулотларимизни қалбаки товарлардан ҳимоялаш мақсадида янги усулдаги қадоклаш воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Абдулрахим Миррахмад.

Замонавий хорижий технология усуллари билан жиҳозланган корхона цехларида маҳаллий хом ашёдан 3 турдаги ош тузи маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, сифати ва қадоклашини жиҳатидан ички бозорда аллақачон ўз ўрнига эга бўлган.

Мамлакатимизда йодланган туз маҳсулотларининг тарқатиш ва назорат қилиш мақсадида Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан «Корпоратив бошқарувни тақомиллаштириш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш» мавзусида семинар-йиғилиш ўтказилди.

Бозор ва харидор

Йодланган ош тузлари — саломатлик гарови

ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ НОРМАЛ ҲАЁТ КЕЧИРИШИДА КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗДА ЗАРУР МАХСУЛОТГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ОШ ТУЗИ ФАҚАТГИНА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТАОМИМИЗГА МАЗА КИРИТИБ ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ОРГАНИЗМ ТЎҚИМАЛАРИДАГИ СУВ МИҚДОРINI РОСТЛАЙДИ. ШУ БИЛАН БИРГА ОШ ТУЗИ МЕЪДА ШИРАСИДА КЕРАКЛИ КИСЛОТА БЎЛИШИНИНГ МАНБАИДИР.

Утган йилдан бошлаб ўз маҳсулотларимизни қалбаки товарлардан ҳимоялаш мақсадида янги усулдаги қадоклаш воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Абдулрахим Миррахмад.

Утган йилдан бошлаб ўз маҳсулотларимизни қалбаки товарлардан ҳимоялаш мақсадида янги усулдаги қадоклаш воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Абдулрахим Миррахмад.

Утган йилдан бошлаб ўз маҳсулотларимизни қалбаки товарлардан ҳимоялаш мақсадида янги усулдаги қадоклаш воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Абдулрахим Миррахмад.

ҳамда қимматли қоғоз эгалари олдида турган энг долзарб муаммоларни таҳлил этиш учун улар олдида гов бўлаётган айрим тўсиқларни бартаф этишга ҳар томонлама кўмаклашиш, нозорат органлари, ҳокимлик тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамжихатликни тараққий эттириш ҳисобиغا акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш асосий вазифини ҳисобланади.

Мазкур тадбирда иштирок этган 150 га яқин акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари ҳамда Қузатув кенгаши нозоратчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий бизнес мактаби Корпоратив бошқарув марказининг бўлим бошлиғи Меҳридин Бўтаевнинг «Компания фаолиятини бизнес-режалаштириш» мавзусидаги чиқиши катта қизиқиш уйғотди ҳамда кўплаб иш-

тирокчилар саволларига ба- тафсил, қизиқарли жавоблар олишди.

— Таҳлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, — деди Меҳридин Бўтаев, — янги тузилаётган акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари ҳамда Қузатув кенгашининг аъзолари анчайин фаоллашганлар, яъни улар вазифарлари ҳуқуқларини тўғри англаганлар. — Эндиликда муҳим масала — ишда муваффақиятлар омили — бизнес-режани тўғри тузишдан иборат. Бу муҳим вазифар амалга оширишда тадбиркорлар Олий бизнес мактабимизнинг тажрибали, ўз касбига меҳр қўйган мутахассислари кўмағига таянишлари мумкин.

Семинарда акциядорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ, қониқарли жавоблар олдилар. Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Қарор ва ижро

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА МЕҲР-ШАҒҒАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

АМНИСТИЯ ОЛИЖАНОБЛИКНИНГ КўПЛАБ НАМОЁН БўЛАДИГАН ТОМОНЛАРИДАН БИРИ ҲИСОбЛанади ВА ўзига ХОС АҳАМИЯТГА ЭҒИДИР.

Бу тушунча ортида жамиятнинг айрим фуқароларига нисбатан содир этган жиноятларини кечириб ва уларга ишонч билдирган ҳолда ахлоқини тузатиб, тўғри йўл таллаш ва шу тарихда жамиятда ўз ўрнини топишига имконият бериш ҳаракати ётади.

Ҳар йили мамлакатимиз Бош Қомуси — Конституция қуни арафасида, инсонпарварлик ва меҳр-муруват тамойилларига асосланиб, давлатимиз раҳбари Фармони билан амнистия эълон қилинади ва унга мувофиқ жиноят содир этган шахсларнинг айримлари жазодан мувоқал халос этилади ёки муҳлатидан илгари озодликка чиқарилади. Утган мустақиллик йилларида амнистия туғайли жазони ўташ жойларидан минглаб кишилар жазо муҳлати тугаллангунга қадар озод этилган.

Бу сафар амнистия тўғрисидаги масаланинг мамлакат Президентининг тақдимномасига биноан биринчи марта Олий Мақолатнинг юқори палатаси томонидан кўриб чиқилгани, шубҳасиз, мустақил давлатимизнинг тарихидан алоҳида ўрин олади.

Сенатнинг тўртинчи ялпи йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

Айни пайтда жойларда мазкур қарорнинг талабларини татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар деярли яқун топмоқда. Чунки, Тошкент шаҳрида ҳам унинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Сенат қароридан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳри бўйича шу кунгача 421 нафар шахс жазони ўташ жойларидан муҳлатидан олдин озод қилинган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотиغا кўра, шулардан 340 нафари меҳнатга лаёқатли бўлса, 81 таси — пенсионер ва ногирон қўбилмади. Айни пайтда 256 нафар шахс доимий иш билан таъминланган, тўққизтаси у ёки бу мутахассисликни эгаллаш ёки касбини ўзгартириш учун махсус ўқув машғулотларини ўтамоқда.

Умуман олганда, бу тоифадаги фуқароларга истиқомат қилиш жойидан рўйхатдан ўтиши, паспорт олиши, даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида бюджет ҳисобидан 21 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам озод этилганларга яшаш жойлари бўйича эҳтиёжга қараб кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаш учун 1 миллион сўмга тенг ҳоимий-лар кўмағи кўрсатилган.

Шу билан бирга, жазони ўташ жойларидан қайтган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш шаҳар комиссиясининг йиғилишида қайд этилганидек, объектив ва субъектив сабабларга кўра айрим шахсларни меҳнат билан банд қилиш, турар жойи бўйича рўйхатга олиш масалалари охиригача ҳал этилган. Хусусан, ҳозирда Сергели туманида истиқомат қилиб келаётган икки нафар вояга етмаганининг бири ҳануз бирон-бир манзил бўйича рўйхатдан ўтказилмаган, сабаби — у илгари яшаб келган кўп қаватли уйдаги хонадон жазо ўташ пайтида сотиб юборилган. Иккинчиси эса Россия фуқароси бўлиб, Тошкентда бивиси билан яшайди, аммо у ҳам махсус рўйхатга олинмаган.

Шуларни инobatта олган ҳолда, йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, бу усмирларни рўйхатдан ўтказиш ва фойдали меҳнатга жалб этиш масаласи тез кунларда ўз ечимини топтомоғи лозим. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан эса касалликка чалинганларнинг шартли равишда ва бепул тарзда даволаниши таъминланиши, шунингдек уларни соғломлаштириш даврида ҳамда оиласига соғ-омон қайтиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туриш керакдир.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларига пенсионер ва ногиронларга ижтимоий тўловлар вақтида етказилишини таъминлаш, бундан ташқари, барча мутасадди ташкилотлар билан биргаликда амнистия қилинган шахсларнинг иш билан доимий банд бўлиши, муътадил меҳнат фаолияти юртиши учун барча шарт-шароитлар яратилишини нозорат қилиш лозимлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Шу билан бирга йиғилишда барча ваколатли ва мутасадди тузилмалар вакилларига жинояти учун жазо олиб, озодликка чиққан кишиларга нисбатан, улар тўғри, соғлом ҳаётга мослашгунгача, сабр-тоқатли ва чидамли бўлиб, жамиятнинг тўлақонли кишии эканлигига кўникамо хосил қилишда инсоний бурч дея ёрдам бериш лозимлиги таъкидланди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтиб ўтган қуйидаги фикрини келтириб ўтишни мақсадага мувофиқ деб билдик. «Табиадан ёки қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юршмай турган инсонлар болорлигини ҳам унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур», деганди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, базми бировларнинг ўзгаларга етказган зарари учун ғуноҳидан ўтиш, жинояти учун авф этиб, жазодан озод қилиш юқорида қайд этиб ўтилганидек, олижаноблик ҳисобланади. Агарда бундай мамлакат миқёсида оладиган бўлса, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти саби интиляётган Ўзбекистонда инсонийлик, меҳр-оқибат қари фазилатлар азалий қадриятлар ҳисобланади, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари эса барча нарсадан устун бўлиб, буюк неъмат сифатида эъзозланади. Бу борада шу жамиятнинг ҳар бир кишии, миллати, ақл-идроки, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Конституция қалфати остида ҳимояланади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



Шуни алоҳида айтиб ўтиш ўринлики, ҳозирги пайтда аҳоли ўртасида йод моддаси етишмаслиги оқибатида пайдо бўлаётган бўқоқ хасталигининг олдини олишда йодланган туз маҳсулотининг аҳамияти каттадир.

Утган йиллар давомида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилди. Энг муҳими эса ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб, бу маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш суръатида ўз аксини топмоқда.

Яқинда корхона тадбиркорлари янги замонавий бино қурилишини тугаллаб, унинг барча талабларга жавоб беришчи цехларида маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттиришмоқда. Ушбу янги бинода ишчи-хизматчилар учун яхши меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Шунинг баробарида тадбиркорлар россиялик ва бошқа ҳамкорлар билан шартномалар асосида ишлаб, маҳсулот экспорт қилишни ҳам режалашмоқда. Ажабмас, яқин келгусида «Орзу» тузи-нинг йодланган маҳсулотлари хорижий давлатлар аҳли саломатлиги гарови бўлса, яхши ниятга эса фақат меҳнат ва тинимсиз изланиш ҳаракати билан эришишни англаган тадбиркорларнинг бугунги саъй-ҳаракати мақсадага яраша бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: «Таомингиз биз тайёрлаган ош тузлари билан мазали ҳамда улар саломатлигингиз гарови», — дейишмоқда корхона қадоклашчилари.

ТОШКЕНТДА 2004-2009 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА «РУС ТИЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДА ўқитиш» МАВЗУИДА СЕМИНАР ўТҚАЗИЛДИ. МАЗКУР ТАДБИР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «РОСЗАРБЕЖЦЕНТР»НИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ҲАМКОРЛИКДА САМАРА КўП

Анжуманда ўрта мактабларнинг юздан зиёд рус тили ўқитувчилари, Халқ таълими вазирилик услубчилари ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти вакиллари иштирок этди.

— Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик билан ҳамкорликда тўртинчи бор шундай тадбир ўтказмоқдамиз, — деди «Росзарббежцентр» ваколатхонаси раҳбари Татьяна Мишуковская «Туркистон-пресс» муҳбирига. — ўқитиш услубларини янада тақомиллаштириш зарурати туғайли бундай семинарларни бир йилда икки марта ўтказишни режалаштирганмиз. Семинар доирасида кўргазма ташкил этилди, унда соҳага оид адабиёт ва қўлланмалар намойиш қилинмоқда. Утган йилнинг охирида Россия Федерацияси ҳукуматидан бадиий адабиёт, турли фанлар бўйича дарслиklar, услубий қўлланмалардан иборат 270 миңдан зиёд китоблар олинди. Уйлайманки, улар рус тили ўқитиш йанада тақомиллаштиришга катта ёрдам беради.

Мазкур анжуман доирасидаги «Энг яхши рус тили ўқитувчиси» республика танлови ғолиблари ҳам аниқланди. Тошкент шаҳар 107- мактаб ўқитувчиси Наталья Боярская биринчи ўринга сазовор бўлди. Олмалик шаҳар 5-мактаб ўқитувчиси Любовь Ершова ва пойтахтдаги 180-мактаб ўқитувчиси Нелла Халикова иккинчи, Чирчиқ шаҳар 20-мактаб ўқитувчиси Татьяна Абкеримова ва Тошкентдаги 273-мактаб ўқитувчиси Николай Лемешкинлар учинчи ўринга лойиқ топилдилар.

— Бундай таъливлар МДХ давлатларининг барчасида ўтказилиб, унинг халқро босқини қузда Москва шаҳрида бўлиб ўтади, — деди Т.Мишуковская. — Яъни бугунги ғолиблар Москвада ўтказиладиган танловда иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»

1 март — Гиёвандлик ва гиёванд моддалар билан савдо қилишга қарши халқаро кураш куни

ГИЁВАНД МОДДАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИ — ГЛОБАЛ МУАММО

АСРИМИЗНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН БИРИ ҲИСОбЛАНГАН ГИЁВАНД МОДДАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИ ВА ГИЁВАНДЛИК БУГУНГИ КУНДА НАФАҚАТ МУАЙЯН МАМЛАКАТ ЁХУД МИНТАҚА, БАЛКИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА БАҒҚАРОРЛИККА ТАҲДИД СОЛАЁТИР.

Шунинг учун бу иллатга қарши ҳескин курашиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Наркомафия улкан иқтисодий кучга эга бўлган глобал даражадаги хавфга айлиб улгурган. Наркобизнес ўзининг ишлаб чиқариши, етиштириши, тарқатиш каби йўналишларга бўлинган турларига эга. Трансмилий жиноий гуруҳларнинг вужудга келиш сабабларидан бири ҳам айнан гиёванд моддалар савдосига бориб тақалади.

Гиёванд моддаларнинг ноқонуний оқими Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам катта муаммо турдирмоқда. Минтақадаги бир неча мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадошлигини ҳисобга олиб, улар ушбу таҳдидга қарши курашнинг олдинги сафида турибди, дейиш мумкин. Фуқаролар урушига барҳам берилганга экинчи иқтисодий инфратузилмани тиклаш бўйича талай ишлар амалга ошириляётганига қарамай, Афғонистон ҳамон гиёванд моддаларни етиштирувчи йирки марказ ва наркотикнинг асосий таянч нуқтаси бўлиб қоляптир.

БМТнинг наркотик моддаларни нозорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқар-

маси экспертлари маълумотларига кўра, утган йили Афғонистонда кўнори экиладиган майдонлар ҳажми камайган бўлса-да, мамлакатда 4100 тонна қорадори йиғиштириб олинган. Бу тахминан 500 тонна героин ишлаб чиқаришга етадиган хомашёдир. Бугун дунёда етиштириляётган «қора дорининг қарийб 87 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келяптир. Оғуфрушлар Марказий Осиё давлатларидан гиёванд моддаларни бошқа мамлакатларга етказиш ва булун дунё бўйлаб тарқатиш учун транзит сифатида фойдаланмоқда. Масалан, Афғонистонда етиштирилган гиёванд моддаларнинг муайян қисми «шимлоий йўналиш» бўйича, яъни Марказий Осиё ва Россия орқали Европага чиқмоқда.

Маълумотларга кўра, 2005 йилда Афғонистондан 420 тонна героин ва морфин экспорт қилинган бўлиб, унинг 100 тоннадан ортиғи Марказий Осиё, яъна шунчаси Покистон, 200 тоннадан ортиғи Эрон ҳудуди орқали ўтган. Наркомафия халқро терроризм ва экстремизм билан чамбарчас боғланиб кетган. Террорчи гуруҳлар ўз мақсадларини амалга оширишга маблағ топшиш учун гиёванд моддалар савдоси

билан шуғулланмоқда. Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримов жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда етиштириляётган гиёванд моддалар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид соляётганидан кўп бор оғохлантирганини таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё давлатлари трансмилий жиноий тузилмаларнинг нишонига айланган шароитда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари ва халқро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини наркобизнесга қарши кураш йўлида бирлаштириш тақлифини илгари сурди. Президентимизнинг гиёвандликка, террорчиликка қарши курашувчи халқро марказлар ташкил этиш зарурлигига оид ташаббусининг нақадар ҳаётий экани ўз тасдиғини топди.

Президент Ислам Каримов БМТ Бош қотиби Кофи Аннаннинг 2002 йил октябр ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш мақсадида битим имзоланди.

Мамлакатимизда гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича барча зарур инфратузилмалар яратилган. Президентимиз ташаббуси билан 1994 йил апрелда Наркотикларни нозорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тўзилди. Ушбу комиссиянинг ижроия органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни нозорат қилиш миллий маркази ташкил этилди. Ўзбекистон бу борада кўшни мамлакатлар, дунёнинг етакчи давлатлари, халқро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чунки муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш, миллий ва минтақавий даражада ахборот алмашуви фаоллаштириш, биргаликда дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга ошириш, хуллас, барча саъй-ҳаракатларни бириштириш зарур. Эеро, фаолият қўламини мисли қўрилмаган даражада кенгайиб бораётган, хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид соляётган глобал муаммоларга қарши фақат биргаликда курашиш зарур. Шундигина бу хавфнинг пайини қирғиш мумкин бўлади.


троп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш мақсадида битим имзоланди.

Мамлакатимизда гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича барча зарур инфратузилмалар яратилган. Президентимиз ташаббуси билан 1994 йил апрелда Наркотикларни нозорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тўзилди. Ушбу комиссиянинг ижроия органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни нозорат қилиш миллий маркази ташкил этилди.


Ўзбекистон бу борада кўшни мамлакатлар, дунёнинг етакчи давлатлари, халқро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чунки муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш, миллий ва минтақавий даражада ахборот алмашуви фаоллаштириш, биргаликда дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга ошириш, хуллас, барча саъй-ҳаракатларни бириштириш зарур. Эеро, фаолият қўламини мисли қўрилмаган даражада кенгайиб бораётган, хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид соляётган глобал муаммоларга қарши фақат биргаликда курашиш зарур. Шундигина бу хавфнинг пайини қирғиш мумкин бўлади.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ўЗА шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АМАЛИЙ ВА БЕЗАК САНЪАТИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ АЖОЙИБ ВА НОДИР ҚАТЛАМИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. УНИНГ САҚЛАНИБ РИВОЖ ТОПИШИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ХАЛҚ ИЖОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ ТОМОН ЭТАКЛАЙДИ.



Шаҳрим Фаҳрим



(Япония) кўргазмалари катта аҳамият қарб этди. Шунингдек, халқ усталари АҚШ, Россия, Швейцария, Малайзия, Эрон, Туркия каби мамлакатларда ҳам ўз кўргазмаларини намойиш этиб, дунё халқлари орасида донг таратмоқдалар.

Аммо санъатимизнинг баъзи бир оғриқ нуқталари ҳам мавжудки буни таъкидламай ўтолмайман. Гап шундаки, бозорларимизни паст савиядаги амалий санъат маҳсулоти билан тўлдирётган «санъат» тушунчасидан йироқ, мақсади фақат кўпроқ пул ишлаш бўлган усталар ҳам кўпайиб кетаяпти. Бу албатта ачинарлидир. Ўзбекистонлик усталар ўз ижодлари орқали халқимизнинг ажойиб ва бетакрор санъатини жаҳонга армуғон этмоқдалар. Лекин санъат халқники ва у албатта шундай бўлиб қолади. Кимнингдир манфаати йўлида хизмат қилмайди. Халқ амалий санъатининг истеъдодли, жонқуяр усталари бунга ҳеч қачон йўл қўймайдилар.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқ амалий санъати ва унинг миллий қадриятларини тиклаш, ривожлантириш ишига алоҳида эътибор берилди. Бу ноёб санъат турлари ўзига хослиги, гўзаллиги композицион тузилишининг ўта уйғунлиги ва мутаносиблиги, улугворлиги, нафосатга бойлиги билан жаҳонга машҳурдир. Ўзбек усталари зиммасида эса бу санъат турларини асраб-авайлаш, авлодларга етказиб бериш каби муқаддас, шарафли, айни пайтда машаққатли ва залворли бурч турибди. Улар ана шу эзгу бурчини шараф билан оқлашлариға, ўзбек халқининг фаҳри ва ифтихори бўлган халқ амалий санъатини кўз қорачигидек асрашлариға ишонамиз. Халқимиз ўтмиши, маданияти, санъати ва улуг бунёдкорлик ишларининг жозибаси, қурку камоли асрлар оша яшайверади.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ амалий ва безақ санъати намуналари.

Халқ амалий санъати

Жаҳонга армуғон этмоқдалар

УЛАРНИ МУСТАКИЛ МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА РУҲИЙ КАДРИЯТЛАРИГА, АЖДОДЛАРИМИЗ ҚОЛДИРГАН МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСГА ЧУҚУР ҲУРМАТ БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШГА УНДАЙДИ, ХАЛҚ УСТАЛАРИНИНГ САНЪАТИ ЭСА ХАЛҚИМИЗНИНГ БАШАРИЯТ МАДАНИЙ МЕРОСИГА КЎШГАН КАТТА ХИССАСИ СИФАТИДА ЖАҲОН ХАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАН ОЛИНГАН.

—Ўзбекистон халқ хунармандчилиги, маданият ва санъат марказлари, — дейди санъатшунослик фанлари номзоди Шохалил Шоёқубов, — жаҳон маданиятига (меъморий тарихий ёдгорликларидан ташқари) ўзбек халқ санъатининг рамзи бўлган мислсиз қимматли маданий меросни тортиқ этган. Бунда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива ва Фарғона водийсининг турли-туман кўринишдаги кулчилик буюмлари, қошинчилик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик, мисгарлик, қандкорлик, қўл каштачилик ва гиламчилик, палос тўқиш ва чигарлик, заргарлик, чармага қўл бошиш, лак ва китоб миниатюраси каби нозик санъат йўналишлари пайдо бўлди ва ҳозирда ҳам нурили йўлини давом эттирмоқда.

Усталар қўли билан яратилган нодир асарларнинг асл нусхалари Хиллари Клинтон, «Темир хоним» деб ном олмиш Маргарет Тетчер, Индира ва Раджив Ганди ҳамда Япония императорлари хонадонларида, Франция, Германия, Жанубий Корея, АҚШ Президентлари коллекцияларида ва жаҳоннинг кўплаб музейларида сақланмоқда. Лондон, Афина, Санкт-Петербург шаҳарларидаги «Ипак йўли хунармандчиликлари» деб номланган фирма салон-дўконлари ҳаммаша гавжум. Кўп йиллик меҳнатлар самараси туфайли Ўзбекистоннинг ўттиздан ортиқ қадимги санъат турлари қайта тикланди. Шойидан, пахтадан, тут пўстлогидан қадимги Самарқанд қозонини ишлаб чиқариш услуби йўлга қўйилди. Кўлда ипак матолар босиш, мисгарлик ва қандкорлик, миллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш санъатиға эътибор кўчади. Ўзбек халқ санъатини кенг тарғиб қилиш ишларида усталаримизнинг меҳнатлари беқийсдир.

Усталар мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган кўргазма, ярмарка ва анжуманларда ўз асарлари билан фаол қатнашмоқдалар. Айниқса Ганноверда ўтказилган «Экспо — 2000» (Германия) «ЭКСПО — 2005»



Тадбирлар

Орасталикка чорлаймиз

ГўЗАЛ ДИЁРИМИЗГА БАҲОР КИРИБ КЕЛДИ. ҲАР ЁНДА КЎКЛАМ СУРУРИ КЕЗМОҚДА, ТАБИАТ УЙҒОНМОҚДА. БАҲОР ОДАМЗОТ БИЛАГИГА КҮЧ, ЮРАГИГА ЯНГИ ИНТИЛИШ, ҲАЁТИГА ПОКИЗА УМИД ВА ОРЗУЛАР БАҲШ ЭТМОҚДА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ШАХРИМИЗДА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ҲАМ БОШЛАНИБ КЕТДИ.

Куни кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Ободончиликни бошлаймиз, орасталикка чорлаймиз» мавзусида катта тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда институт ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

— Ортимизга нафосатли баҳор фасли кириб келди, — дейди институт проректори профессор Абдухалил Маврулов. — Шу муносабат билан ён-атрофимизни хашар йўли билан тозалаш, институт боғига мевали, манзарали дарахлар ва гул қўчатларини ўтказишни мўлжаллашмиз. Шунингдек ҳафтанинг шанба кунини «Тозалик кун» деб эълон қилдик. Ушбу кун наинки талабалар, балки институт ўқитувчилари ҳам хашарга сафарбар этилиши кўзда тутилмоқда. Баҳорнинг шуқудли кунларида, кўёш чарақлаб, заминга ийликчир тароват таратиб турган паллада бир тану, бир жон бўлиб, ҳамкорлик қилишнинг ҳам ўз гашти бор.

Тадбирда Касбий таълим факультети декани Собир Жумоев ҳам сўзга чиқиб талабаларни ўзлари таълим олаётган масканларини ораста тутишга, ён-атрофларини тозалаш, шаҳримизнинг гўзаллигига, кўркамлигига ўз хиссаларини қўшишлари уларнинг инсонийлик бурчлари эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг талабалар ижросида сахна кўринишларидан парчалар намойиш қилиниб, дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

Камола ХАМДАМОВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ДУНЁГА МАШҲУР К. СТАНИСЛАВСКИЙ ВА В. НЕМИРОВИЧ - ДАНЧЕНКО НОМИДАГИ МОСКВА МУСИҚИЙ АКАДЕМИК БАЛЕТ ТЕАТРИНИНГ БАЛЕТ ГУРУҲИ 16-26 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА ЭНГ ОММАОБОП СПЕКТАКЛЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗ САНЪАТИ ИХЛОСМАНДЛАРИГА НАМОЙИШ ЭТДИЛАР.

Биз москвалик санъаткорларнинг диёримизда илк маротаба бўлиши муносабати билан шаҳримиз ҳақидаги фикрларини билишга қизиқдик.

● Михаил Лавровский, халқ артисти, К. Станиславский ва

Тошкент — меҳмонлар нигоҳида СЕРҚУЁШ ЎЛКА

В.Немирович-Данченко номидаги Москва мусиқий академик балет театрининг труппа раҳбари:

— Ўзбекистонга илк маротаба келишим. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги ва самимийлиги мени ўзига ром этди. Айниқса Алишер Навоий номи билан аталувчи мазкур театрининг шарқона услубда безатилиши, нозик безақ турларига моҳирона тарзда сайқал берилганлиги мени хайратта солди. Бу шундан далолат берадики, ўзбек халқи ўзининг маданияти, санъати, қадриятлари ва аъноларининг қадриға етадиган доно халқ...

● Оксана Кузьменко, халқаро танловлар совриндори, Москва мусиқали балет театрининг ёрқин юлдузи:

— Кўёшли Ўзбекистон ҳақида анчагина маълумотга эгаман. Қишда келганимизга қарамай кўёш чарақлаб нур сочиб турибди. Одамлари ҳам кўёш янглиғ ҳароратли ва истарали. Истагим шуки, икки мамлакат ўртасидаги санъат соҳаси алоқалари янада ривожланверсин. Биз бутун дунё бўйлаб, ижодий сафарларда бўлдик. 2005 йилда Лондон, Хитой, Таиланд мамлакатларида бўлган бўлса, 2006 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрдик. Умид қиламизки, бизнинг спектаклларимиз ўзбек халқининг юрагидан ўчмас ўрин эгаллайди. Ўзбекистон билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий маданий алоқалар янада мустаҳкамланиб, муқаддас заминимизда тинчлик қўйлари янграйсин.

Гулнигор САТТОРОВА

ШАҲАР ТОПОНИМИК ЛЕКСИКАСИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

РАБОД, РАБАЗ (форсча) — шаҳарнинг ташқи истеҳком девори билан ўралган маҳаллалар, маззелар, дала - ҳовлилардан иборат ташқи қисми. Баъзи бир шаҳарларда, масалан, қадимий Тошкент — Бинақтда рабод иқига бўлинган — рабоди дохил «ички рабод», рабоди хориқ «ташқи рабод».

РАБОТ (арабча «от боғланган жой») — истеҳком, савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил, карвонсарой (карвонсаройлар ҳам қароқчилардан ҳимоя қилинган).

Кейинги асрларда форсча рабод (рабаз) ва арабча работ сўзлари деярли бир хил маъноларда ишлатили бошлаган ва бир хил шаклда талаффуз қилинган.

РЕГИСТОН (форсча «қумлоқ») — шаҳарнинг қум тўшалган марказий қисми. Тошкентнинг Чорсу бозори ўрни Регистон деб аталган.

САРОЙ (форсча) — монументал бино, давлат бошлиқларининг истиқоматгоҳи ва қароргоҳи, шу билан бирга сарой деганда умум томонидан фойдаланиладиган бинолар, масалан, меҳмонхона («карвонсарой»), дўкон, хўжа-

лик моллари омбори, тушунилган. Мустаҳкамланган қасрнинг бир бўлаги, мадраса ёки масжиднинг айрим бинолари (миёнсарой), беклар ва заминдорлар яшайдиган уйлар ҳам сарой дейилган: бустонсарой — дангилама боғ — ҳовли, саройбако (мажозий маънода) — боқий дунё, у дунё.

ТОРҚУЧА — кичикроқ кўча, бир кўчани иккинчиси билан боғлаб турадиган калтароқ кўча. Расмий маълумотларга кўра Тошкентда 1244 та торқу-ча руючаси — проезд) бор.

ТУПРОҚҚУРҒОН — тупроқ уйиб кўтарилган ва мудофаа учун хизмат қилган мустаҳкамланган катта сунъий тепалик.

ХОНАҚОҲ (форсча, асл маъноси «шайхлар, дарвешлар зикру само қиладиган хона») — масжиднинг намоз ўқиладиган хонаси, ғариб ва мискинлар истиқомат қиладиган уй, ғарибхона, дарвешхона. В.В.Бартольд хонақоҳ форсча хона сўзининг суғдилик тилида талаффуз қилинишидир, дея изоҳлайди.

Суюн ҚОРАЕВ, география фанлари доктори

ПАРРАНДА ГРИППИ ЯНГИ АСРДА ИНСОНИАТГА ХАВФ СОЛАЁТГАН АСОСИЙ ТАҲДИДЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛАЁТИР. УШЕВ ХАСТАЛИК ДАСТАБ ОСИЁ, СЎНГ ЕВРОПА МИНТАҚАСИ АҲОЛИСИ УЧУН ТАЛАЙ МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРДИ.

Шарҳловчи минбари

ПАРРАНДА ГРИППИНИНГ МАНБАИ

Дунёнинг бир қанча мамлакатлари микробиолог олимларидан ташкил топган халқаро гуруҳ ўтказган тадқиқотлар натижасида парранда гриппини кўзгатувчи Эйч5-Эн1 вирусининг 10 йилдан буён Жанубий Хитойда мавжуд бўлгани аниқланди. «Саут чина морнинг пост» газетасида айтилишича, мазкур худуд касаллиқни бошқа ерларга тарқатишнинг манбаи бўлган.

Таъкидланишича, Хитой жанубида қишлаган ёввойи ўрдақлар бу ердаги уй паррандаларидан гриппни юктириб, унинг вирусини ташувчи восталарга айланган. Айнан ушбу кушлар 2005-2006 йилларда Шарқий Европа, Туркия, Қозғоғистон ва ХХРнинг бошқа қисмларида Эйч5-Эн1 тарқалишига сабаб бўлди.

Жанубий Хитойда паррандаларнинг мазкур вирус билан оғриши ҳолати 1996 йилда қайд

этилган эди. Орадан 1 йил ўтгач эса Гонконгда касаллик инфекциясининг тарқалиши оқибатида 6 киши ҳаётдан кўз юмди ва уй паррандалари оммавий равишда йўқ қилинди.

Олимларнинг фикрича, Эйч5-Эн1 вируси Жанубий Хитойдаги табиий шароитга жуда мослашган. Бу ердаги иқлим унинг шаклланиши учун анча қулайдир.

Халқаро микробиологлар гуруҳи минтақада қишлайдиган мингга яқин қушдан олинган конларни текшириб чиқиб, Эйч5-Эн1нинг генетик жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи 4 тури борлигини аниқлади. Улар бундай вазиётда одамлар саломатлигини парранда гриппидан муҳофаза қилиш учун биргина вакцинанинг ўзи етарли эмас деб ҳисоблаётди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ, Ўза шарҳловчиси

Камолот

КОРЕЯ ЁШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

«КАМОЛОТ» ЁИХ ШАЙХОҲТОХУР ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ХОРИЖИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН КЕНГ АЛОҚАЛАРНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН. БУНИНГ МЕВАСИ ҲАРАОҚ «КАМОЛОТ»НИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИ, ЁШЛАР ҲАЁТИ, ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА ЮРТИМИЗГА ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН «АНАС» ТАШКИЛОТИ ЁШЛАРИ ТАШРИФ БУЮРИШГАН ЭДИ.

Ташкилот томонидан ташриф довомида «Камолот» ЁИХ Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши хамкорлигида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. «Анас» аъзолари болалар касалхоналари, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларга бориб, ўзларининг маданий тадбирлари билан болаларни хурсанд қилдирилди, уларни бирлаштириб биргаликда спорт мусобақалари, деворга расм чизиш акциялари, корейс, япон тиллари бўйича ўқув курсларини ташкил этдилар.

— Бизнинг асосий мақсадимиз дунё бўйича тинчлик ва дўстликни тарғиб этиш, бу йўлдаги ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бирлаштиришдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда «Анас» ташкилоти аъзоси Мияко Кенжи.

Ташриф довомида «Анас» ёшлар ташкилоти аъзолари «Камолот» ЁИХ Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши, «Махалла умидлари», «Камалак», «Посбон» марказларида фаолият олиб борадиган ёшлар билан яқиндан тажриба алмашдилар. «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши томонидан татиқ этилаётган лойиҳалар, тадбирлар билан яқиндан танишдилар. Туман сардорлар ва етакчилар кенгашлари

аъзолари ва корейлик ёшлар иштирокида «ОИТССиз келажак сари», «Инсонлар савдосининг олдини олиш», «Гигиена қоидалар» мавзуларида ўқув-семинарлари ташкил этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон, Корея ва япониялик ёшлар ўртасида кўрик-танловлар ташкил этилди.

«Камолот» ЁИХ Шайхонтохур тумани бўлими Кенгаши ва «Анас» ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган энг йирик лойиҳа 14-18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги «Сўровнома» лойиҳасидир. Ушбу лойиҳада туманларда таҳсил оладиган мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юрти талабаларидан жами 1530 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этдилар.

Ҳамкорликда ташкил этилган тадбирларда жами 4820 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Шу йилнинг ёш ойларида ташкилотнинг янги гуруҳининг «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгашига келиши режалаштирилган.

Орзугул РУСТАМОВА

Иқтисодиёт

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОРТДИ

РОССИЯДАГИ «ВИММ-БИЛЛЬ-ДАН» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИАТИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРДАН БИРИ АГРОСАНОАТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БЎЛИБ, КЎПЛАБ МЕВА ШАРБАТЛАРИ ҲАМДА СЎТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Мазкур нуфузли корхона лойиҳаси бўйича республикамиз агросаноатида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Тошкент сўт комбинати эса энг замонавий техникалар билан жиҳозланди.

Эндиликда бу корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, бир неча кундузда 100 тонна ҳажмида кенг асортиментдаги маҳсулотлар тайёрлаш имкони туғилди.

Акбар АЛИЕВ

Маънавият

БАКАЛАВРИАТГА ТОРТИК

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ БАКАЛАВРИАТ БОСҚИЧИ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯНА БИР НУФУЗЛИ ДАРСЛИК БИЛАН БОЙИДИ.

«Миллий истиқлол ғояси» деб номланган мазкур янги нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ етакчи олимлари муаллифлигида босмага тайёрланди.

Дарсликдан ўрин олган «Жамият тараққий-тининг ғоявий асослари ва ҳозирги замон», «Миллий истиқлол ғояси — Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос ривожланиш концепцияси учун асос» деган боллар ҳам ҳаётий мисоллар асосида ёритилган. Ушбу дарслик орқали бакалаврият босқичи талабалари алломаларнинг доно фикрлари билан ҳам яқиндан танишадилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тиббиёт

ЯНГИЧА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОРТОПЕДИЯ ВА ТРАВМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСДА КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. БУНИ РЕСПУБЛИКА ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШМИЗ МҮМКИН.

Илмий муассаса бўлишимизда олиб борилаётган изланишлар самараси ўлароқ даволашнинг қатор янги усуллари жорий этилди.

Спорт шикастлари бўлими қайта ташкил этилди. Бу эса спортчиларга юқори малакали травматолог-ортопедик ёрдам кўрсатишни замонавий технологиялар асосида уюштириш имконини берди.

Болалар жараҳати бўлимида эса сон ва болдир суякларини сингари силжиган суяк бўлакларини жойига қўядиган шина ишлаб чиқилди.

Айни вақтда институтнинг моддий-техника негизи янада мустаҳкамланди. Ультратовуш ташхис аппаратлари олинди. Оптик рентген аппаратидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Фан

БЎЛИМНИНГ САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ ТАРКИБИДА БИР НЕЧА БЎЛИМ ИШЛАБ ТУРИБДИ. ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН БЎЛИМИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЭСА ЎН ЙИЛДАН ОШИДИ. БУ ОРАДА БЎЛИМ ОЛИМЛАРИ ҚАТОР ИЛМИЙ ЮТУКЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР.

Адабий жараён тарихи ва назарияси йўналишларида олиб борилган йирик тадқиқотлар ҳам ўзининг ижобий баҳосини олди. «Ўзбек ҳикоятчилигининг жанр хусусиятлари», «Илмий тафаккур жилвалари», «Меҳру муҳаббат йўлларида» каби йирик ишлар юзага келди. «Ўзбек тили ва адабиёти» дарслиги чоп этилди. Истиқлол адабиёти тараққиёти масалалари бўйича амалга оширилаётган изланишлар ҳам бирин-кетин босмага тайёрланаётди.

«ЗЕХН НУРИ» ЎҚУВ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЯНГИ ЙЎРИҚНОМАДА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ШОҲОБЧАЛАРИНИ ОЧИШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛДИ.

Мазкур истиқболли ҳужжат бўйича университетнинг янги лабораториялари, ўқув заллари ҳамда кутубхоналари ҳам юзага келди.

Фарғона шохобчасининг ташкил топиши ҳам айни муддао бўлди. Бу ерда компьютерлаштирилган ўта ўқув қабнети ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Олий ўқув юртининг «Зеҳн нури» деб номланган ўқув маркази ҳам талабаларга хизмат кўрсата бошлади. Марказ орқали талабалар информацион технологиялар ангилликлари билан ҳам яқиндан танишадилар.

Аббос АХМЕДОВ

Шарқ дурдоналари



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Фарзанднинг ота-она олдида бурчи бўлгани каби ҳар бир ота-онанинг ҳам фарзанд олдида бурчи бор. Чунончи, ҳар бир ота ўз фарзандини номусли аёлдан туғилишига ҳаракат қилсин, токи туғилгандан кейин одамлар шу фарзандга турли таъналар қилиб юрмасин. Болага яхши ва чиройли исм қўйсин. Унга илму маърифат ўргатсин. Ота-она ўз фарзандини ҳаммиша ҳалол овқат билан боқсин. Харомдан ейилган хўрак болага ёмон таъсир кўрсатади ва харомхўрликка ўргатади. Ҳикоя қилишларича, бир куни Молик ибн Динор уйда йиғлаб ўтирган экан. Бунга қўрган одамлар:

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўрадилар. У эса:

— Яккаю-ягона қизим бор, гапдан гап чиқиб у менга: «Эй ота, менга харом овқат едирганингдан кўра, очдан ўлдирсанг афзалроқ», деди. Мен бу ишнинг уддасидан чиқармиканман деб, йиғлаб ўтирибман, — деб жавоб берди.

Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандини фақат ҳалолдан топиладиган овқат билан боқishi лозим, бунинг учун ота-онанинг ўзи аввало ҳалол овқат ейиши керак. Шундагина пуштидан бўлган бола ҳалол ва покиза бўлиб туғилади. Она ҳомилдорлик пайтида харом ва нораво овқатлардан тийилиши зарур.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ
Фарзандлар ота-онанига иттифоқ этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликларини лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебосчаси деб билади. Наҳот эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она тўғайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мурддо шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру муҳаббат ойнасини хиралаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегона яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

Бархурдор ибн МАХМУД
Оллоҳ ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради.

ХАДИС
Бола етти ёшга етган, уни илм олишга ва жоҳиллик ботқоғидан қутқаришга уринади, агар унга илм ўргатишнинг иложи бўлмаса, бирорта яхши ҳунар ўргатилади.

Сенинг молинг қанча кўп бўлса, уларни фарзандингнинг илм ва ҳунар олиши йўлида сарфла, чунки молу давлатга ишониб бўлмайди, ҳунар эса ҳеч қачон ўлмайди. Илм ва ҳунар ўрганмай ўтирувчи кишилар ҳақида олимлар учта сабаб борлигини гапирдилар. Бундай кишилар ё зоҳид, ё танбал ёки такаббур кишилардир. Агар у зоҳид бўлса, тез кунда таъма балосига гирифтор бўлади. Агар танбал бўлса, гадоилик куйига тушади. Агар такаббур бўлса, ночорликдан охири ўғирлик йўлига киради. Кимки касбу корга эга бўлса, бундай иллатлардан узоқлашади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ
Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлади.

ХАДИС
ХИКОЯТ. Қиз йигитнинг саволига жавобан деди:

— Кишининг қалбида куйидаги бўстонлар бўлади. Биринчи — илм бўстони, иккинчи — мулойимлик бўстони, учинчи — ихлос бўстони, тўртинчи — камтарлик бўстони, еттинчи — умид бўстони.

Йигит:
— Бу бўстонларда нималар бўлади? — деб сўради.

Қиз деди:
— Киши равнақ топади деса, аввало илм бўстонига киради, у ердаги нодонлик ва жоҳиллик хашакларини юлиб, узоққа отади. Сўнг мулойимлик бўстонига киради ва бўстонга адоват ва ҳасад тиканлари ўсган бўлса, уларни олиб ташлайди. Сўнг ихлос бўстонига киради ва бу бўстонда риё, бадгумонлик хашаклари бўлса, уларни юлиб, бўстонни тозалайди. Сўнг камтарлик бўстонига киради ва бу бўстонда такаббурлик ва мағрурлик хашаклари бўлса, уларни юлиб тозалайди. Ундан сўнг ризо бўстонига киради ва бу бўстонда манманлик, қайсарлик тиканлари бўлса, бўстонни улардан холи қилади ва тушкунлик тиконлари бўлса, уларни юлиб отади.

Йигит қизнинг ақлига яна ҳам қойил қолди ва шунча ёшга кириб, бундай оқила қизни кўрғанини ҳис этди. Сўнг қиздан сўради:

— Эй қиз, ёш бўлатуриб, шунча илму ҳикматни кимлардан ўргангансан?

Қиз:
— Ота-онамдан! — деб жавоб берди.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ
Махмуд ХАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаганлар

ИНСОН КЕКСАЙГАНИДАН СЎНГ ОЗИНА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРНИНГ ҚАНЧАЛАР ЛАЗИМ ЭКАНЛИГИНИ БОШҚАЛАРГА НИСБАТАН ЧУҚУРРОҚ АНГЛАБ ЕТАДИ. ЎЗБЕКОНА МЕНТАЛИТЕТИМИЗДА ЭСА ЁШИ УЛУГЛАРГА АЛОҲИДА ҲУРМАТ ВА ЭЪЗОЗ КЎРСАТИШ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ МАЪНОДА «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ УЧТЕПА ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН БУ БОРАДА БИР ҚАТОР ЭЗГУ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДАКИ, УЛАРГА НАЗАР ТАШЛАБ ЎТИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР.

Жамғармалар фаолиятдан ИБРАТЛИ ИШЛАРГА ПОЙДЕВОР

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, «Нуроний» жамғармасининг Учтепа туман бўлими мутасаддилари, фаоллар томонидан «Маҳалла» жамғармаси, Мудофаа бўлими, «Камолот» ЁИХ, «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлимлари Тошкент юридик коллежи, Республика Дизайн коллежи билан ҳамкорликда тадбирлар режаси

ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра амалга ошириладиган ҳар бир тадбир аниқ мақсадга — у ҳам бўлса туман ҳудудида истикомат қилаётган ёши улуг, боқувчисини йўқотган, алоҳида кўмакка муҳтож, кам таъминланган, ногирон ҳамшаҳарларимизга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Кураш

ДАДИЛ ҚАДАМ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗЛИГИНИ ДУНЁГА ТАНИТИШДА МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИДАН БИРИ — КУРАШНИНГ ОЛАМ УЗРА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗАЁТГАНЛИГИ ҚАЛБИМИЗДА ҒУРУР ВА ИФТИХОР ҲИССИНИ УЙҒОТАДИ.

Шуни қувонч билан таъкидлаш кераки, 18 февралдан 25 февралга қадар Доминикан Республикасида қуралган Республикасида сайёҳлик маркази ҳисобланмиш Санто Доминго шаҳрида спорт ўйинлари бўлиб ўтиши ҳақида аввал хабар берилганди. Мухими шундаки, ушбу ўйинлар дастуридан енгил атлетика, бадминтон, баскетбол, гандбол, футбол, қиличбозлик, хоккей, бокс, спорт гимнастика-

си ҳамда кураш бўйича мусобақалар уюштириш ўрин олган. Олимпиада ўйинлари сирасига кирувчи спорт турлари орасида курашимизга Доминикан Республикасида ҳам эътибор қаратилганини миллийлигимизнинг рамзи бўлмиш курашнинг тез орада Олимпиада мусобақалари дастуридан жой олиши учун қилинаётган дадил қадам деб баҳолаш мумкин.

Бокс

ҲАМЮРТИМИЗ — ЕТТИНЧИ ЎРИНДА

БУТУНЖАҲОН БОКС АССОЦИАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКСДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН СПОРТЧИЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Шуниси қувончлики, профессионал бокснинг оғир вазнида қатнашиб ҳозирча рақибларидан бирор марта маглубиятга учрамаган ҳамюртимиз Руслан Чагаев WBO версиясида еттинчи ўринга лойиқ деб топилди. Мухимисларга маълумки, ушбу версияда ҳозирча биринчи ўринни украинлик Владимир Кличко эгаллаб турибди. АҚШлик Тони Жеймс иккинчи, Германиялик Луан Красничий учинчи ўринларни банд этиб туришибди. Ҳамма гап шундаки, Руслан Чагаев галабали оидимларини давом эттириб ушбу йўналишда чемпион бўла оладими ёки йўқми, бунга вақт кўрсатади.

(Ўз муҳбиримиз)



«Камолот»

ШАШКА ФЕСТИВАЛИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИДА «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «КАМОЛОТ» ЁИХ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ШАШКА ФЕСТИВАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Турнирда барча туманлардан 13 нафардан ўсмирлар ва қизлар қатнашишди.

Албатта, болалар ўртасидаги ҳар бир мусобақа жуда қизиқарли, қутилмаган натижаларга бой тарзда ўтади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Иштирокчиларнинг маҳоратлари деярли тенг бўлганидан ғолибларни аниқлаш ҳам осон кечмади.

Ҳакамлар ҳисоб-китобларидан сўнг совриндорлар сафларидан қуйидагилар ўрин олишди. Қизлар ўртасида Собир Раҳимов тумани вакили Муаззама Зуфарова ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ирода Алимова (Шайхонтоҳур тумани) иккинчи, Мирзо Улугбек туманидан Зулхумор Мирзаева учинчи ўрин

соҳиби бўлди. Ўсмирлар ўртасида Баҳодир Убайдуллаев (Шайхонтоҳур тумани) ғолиблар сафини бошқарган бўлса, кейинги ўринлар Асрор Норкулов (Собир Раҳимов тумани) ҳамда Сардор Отажонов (Учтепа тумани)ларга насиб этди.

Ғолиблар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан эскидалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: шашка фестивалидан лавҳалар.

Даврон Аҳмедов олган суратлар

ПОШНАСИ БАЛАНД НОҚУЛАЙ ПОЙАБЗАЛДА КЎП ПИЁДА ЮРИШ, ҚАШАНДАЛИК, НОТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ СИНГАРИ САЛБИЙ ИЛЛАТЛАР ОЁҚ ТОМИРЛАРИНИНГ БЎРТИБ, ШИШИБ КЕТИШИГА САБАБ БЎЛАДИ. БАЪЗИДА ТУҒРУҚДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ ҲОЛАТ ЮЗ БЕРИШИ КУЗАТИЛАДИ. БУНИ МУТАХАССИСЛАР ОЁҚ ВЕНАЛАРИНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ ДЕБ ТАЛҚИН ЭТАДИ.

Шифокор маслаҳати ЯНГИ ВОСИТАЛАРДАН ФЙДАЛАНИНГ

Мазкур хасталик аҳолининг 20-40 фоизда кузатилади. Шуниси ажабланарлики, кўп беморлар касаллик зўрайиб кетганидан, яъни сурункали веноз етишмовчилиги пайдо бўлгандан кейингина тиббиёт ходимларига мурожаат қиладилар. Бундай вазиятда касаллик жарроҳлик йўли билан даволаниб келинар эди.

Олимлар ва шифокорларнинг янги даволаш технологияларини ишлаб чиқиш йўлидаги изланишлари самараси ўлароқ, мазкур хасталикни дори-дармонлар ёрдамида даволаш усули ва воситалари ҳам яратилди. Улардан кенг фойдаланиш амалда яхши натижа бериши маълум бўлмоқда.

Жаҳон тиббиётида амбулатор шариоатда сурункали веноз етишмовчилигини даволашда Эскузан дори воситаси кенг ишлатилапти. Бу препарат сохта каштан ўсимлиги уруғининг экстракти бўлиб, Германиянинг «Фарма Вернигеро-

де» фармацевтик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилади. Унинг таркибида тритерпенгликозид, флавоноид ва катехин моддалари мавжуд. Бу фаол моддалар мушак орасидаги томирлар тонусини кўтарди, оёқлар веноз ҳажмининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга бу моддалар ўта антиэкссудатик таъсирга ҳам эга.

Эскузан дори воситасини 15-45 кун давомида кунига уч маҳал 12-15 томчидан овқатдан олдин ичиш тавсия этилади. Шуни ҳам таъкидлаш кераки, ҳар бир дори воситасини ичишдан олдин тегишли шифокор кўригидан ўтишни ҳам асло унутманг. Чунки, касаллик қанча эрта аниқлansa, уни даволаш шунча осон кечади.

Алишер ИСМОИЛОВ, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали жарроҳ, Учтепа туманидаги 8-оилавий шифохона шифокори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Х.Турсунқулов кўчасида жойлашган умумий фойдали майдони 367,83 кв.м. ҳамда яшаш майдони 219,39 кв.м. бўлган 2 та балқондан, ҳаммом, ошхона, ертўла, бостирма, йўлак ва етти хонадан иборат №6 ва №7 турар уйлари сотувга тақлиф қилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 82 944 сўм.

Барта масалалар юзасидан қуйидаги нақилга мурожаат қилишиниз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Лўқиев кўчаси, 1-ўй.

Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

ЛИҚҚАТ СОТИЛАДИ!

Шайхонтоҳур Транспорт касб-ҳунар коллежига тегишли бўлган қуйидаги
ГАЗ — 5204 10 АТ 383 — 1987 йилда ишлаб чиқарилган, носоз
ГАЗ — 52 10 АҚ 691 — 1984 йилда ишлаб чиқарилган, носоз
ГАЗ — 53 10 АТ 381 — 1986 йилда ишлаб чиқарилган, носоз
ГАЗ — Саз 3507АТ 380 — 1990 йилда ишлаб чиқарилган, носоз
русумли автомобиллар кимошди савдосида сотилади.

Манзил: Тош ш., Шайхонтоҳур тум., Зулфияхоним кўч. 83-уй, тел: 41-17-95

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-маتبоа акционерлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506